

ПЗ-2014-0912135142 АДСС 15.28.2

Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) хом ашёси асосида гепатопротектор ва ўт хайдовчи таъсирга эга бўлган янги дори препаратларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш

Лойиха раҳбари – б.ф.д., Р.Т.Туляганов

Тиканли артишок гулкосаларидаги аминокислоталар ва углеводлар ўрганилди. Ажратиб олинган оксил таркибида барча алмашинмайдиган аминокислоталар— валин, треонин, метионин, изолейцин, лейцин, лизин, фенилаланин, гистидин, аргинин аниқланди. Боғланган аминокислоталарнинг миқдори эркин аминокислоталарга нисбатан камроқ экани аниқланди. Тиканли артишок гулкосаларининг таркибидаги баъзи БФМ масс-спектроскопик усулда «Agilent Technology» GC/MS AT 5973N русумли ускунада аниқланди. Гулкосаларнинг бензинли экстрактида бензил спирти, азулен ва унинг хосилалари, инден хосилалари (тетрагидроциклопентадиен, 2- метилиндиен), сирен альдегиди ва пирогаллол хосилалари; тритерпен спирти – фитол, пальмитин кислотаси ва юкори углеводородлар (трикозан, эйкозан, пентокозан) ва унинг ҳосилалари ҳамда гулкосалардаги углеводородлар таркиби аниқланди.

Жигар ва ўт йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган гепатопротектор ва ўт хайдовчи дори препаратларини тиканли артишок махаллий хом ашёси асосида суюқ ва қуруқ экстрактлар технологиясини ишлаб чиқилди. Қуруқ экстрактнинг асосий БФМ сифат ва миқдори аниқланди. Экстрактнинг эмбриотоксиклиги ва тератогенлиги препаратнинг 300 мг/кг терапевтик ва 1500 мг/кг максимал дозаларда лаборатория оқ каламушларда ўрганилди. Олинган натижалар препаратнинг эмбриотоксик ва тератогенлик хусусиятларини намоён қилмади.

фАҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашда дорилар тахлилида валидация усулларини қуллаш муҳим аҳамиятга эга. Қуруқ экстракт ва артишок хом ашёси таркибидаги оксидолчин кислоталарининг миқдорини аниқлаш усулининг валидацияси ўтказилди. Валидацияда усулнинг қайтарилувчанлик даражаси, чизиклилиги, туғрилиги ва лабораторияда қайтарилувчанлиги аниқланди. Усулнинг ўртача нисбий хатолиги 1,30% ва 0,80% ни ташкил этди, оксидолчин кислоталарининг чизиклилик диапазони 80% ва 120% оралиғини ташкил этди. Регенерациянинг ўртача фоиз миқдори иккала объектда 99,9% ни ташкил этди. Қуруқ экстракт асосида капсулалар олиш технологияси яратилди. Тиканли артишок асосида олинган препаратлар асосан жигар ва ўт йўллари касалликларида ишлатилади. Ўзбекистонда ўстирилган тиканли артишок асосида олинган қуруқ экстрактнинг гепатопротекторлик фаоллиги ўрганилди. Олинган натижаларга кўра қуруқ экстрактнинг 300 мг/кг дозадаги 3% сувли эритмаси жигар хужайраларини CCl_4 билан зарарланганда «Цинарикс» ва «Хофитол» каби препаратлар билан солиштирилганда тенг таъсирдаги гепатопротекторлик фаолликни намоён қилди.